

МУКАММАЛЛИК УЧОҒИ

Тарихдан аёнки, билим олиш масканлари илм-фан ривожланишининг асосий манбаи бўлган. Шу аснода турли даврларда йирик илмий марказлар шаклланган. Шахснинг олим бўлиб етишишида, сузсиз, устозларнинг хизмати, шунингдек, билим масканларининг урни беқиёсдир.

Мен урта мактабда ўқиб юрган пайтларимда араб тилини ўрганишни ва араб ёзувида битилган меросимизни ўқишни орзу қилардим. Аммо урта мактабни тугатгач, Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг география факультетига ўқишга кириш насиб этди. Таҳсил давомида мен дорилфунун қошида ташкил этилган курсларга қатнаб, араб ва форс тилларини ўргандим. География факультетида профессор Ҳамидулла Ҳасанов раҳбарлик қиларди. Бу кейинчалик илмий фаолиятимда муҳим омил бўлди. Домла Шарқ манбаларида география тарихи ва Марказий Осиё тарихий географиясини ўрганиш борасида йул-йуриқ курсатди. У киши шуғулланаётган илмий соҳа ҳам бевосита шу йуналишда эди. Устоз раҳбарлигида «Араб тилида Байругда чоп этилган географик атлас» мавзуидаги курс иши ва «Араб давлатлари топонимияси» мавзуидаги диплом ишини ёздим. Бу мавзулар араб тилини ўрганишимда анча ёрдам берди.

Университетда ўқишни тугатгач, тақдир тақозоси билан, Ўзбекистон энциклопедияси нашриётига ишга жойландим ва ун йилга яқин шу даргоҳда география ва картография бўлимларида фаолият юритдим. (Энциклопедияда берилаётган географияга оид мақолалар университетнинг география факультети етакчи домлалари назаридан ўтказиларди.) Натижада бу соҳалар бўйича билим ва тажрибам анча мукаммаллашди. Ана шу тайёргарликларни ҳисобга олибми ёки Шарқ ёзма меросини чуқурроқ ўрганишни мўлжаллабми, устозим Ҳамидулла Ҳасанов мени Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг арабшунос олими Асомиддин Уринбоевга олиб борди. Кейинги фаолиятим ана шу илмий даргоҳда кечди. Устоз А. Уринбоев ва шу институтдаги бошқа олимларнинг кумагида мен араб ёзувидаги қўлёзмаларни ўрганишга ки-

ришдим. Айни пайтда университетдаги илмий йуналишим — география, аниқроғи «Марказий Осиёда географик билимлар ривожига Марказий Осиё тарихий географияси» мен учун асосий илмий тадқиқот йуналиши бўлиб қолди ва шу мавзуда номзодлик диссертациясини ёқладим.

Шарқ қўлёзмаларини мунтазам ўқиб бориш манбашунослик бўйича ихтисослашувимда катта имконият яратди ва бу соҳа, анча йиллардан сунг, мени яна қадрдон даргоҳим — Ўзбекистон Миллий университети билан боғлади. Муайян вақтгача мазкур университетнинг тарих факультетида «Манбашунослик ва махсус тарих фанлари» кафедрасини бошқардим, унинг илмий салоҳиятини оширишга ҳаракат қилдим. Қисқа муддат ичида кафедрала манбашунослик бўйича республика илмий-амалий анжумани ўтказилди, ёш ўқитувчилардан ўқтаси муваффақият билан номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишди (улардан бири ҳозир ушбу кафедранинг бошқариб турибди). Бу билан ташқари мазкур кафедранинг ЎзР ФА Шарқшунослик институти билан илмий ҳамкорлиги йўлга қўйилди, магистрантларнинг Шарқ қўлёзмалари билан ишлаш имконияти ордди. Улардан айримлари Шарқ ёзма мероси билан боғлиқ илмий тадқиқотларни ҳимоя қилишга муваффақ бўлдилар ва ҳозир ана шу илмий даргоҳда ишламоқдалар. Бу илмий ҳамкорлик ҳозир ҳам давом этмоқда.

Университет билан ўрнатган илмий ҳамкорлигим доимий, дейиш мумкин. География факультетида ва бошқа жойларда ташкил этилган илмий анжуманларда Марказий Осиё тарихий географиясига оид турли (Тошкент шаҳридаги булоқлар тарихи, Самарқанд шаҳри ва вилоятининг тарихий географияси, Наврўз байрамининг географик аспектлари) мавзулардаги маърузалар билан қатнашиб тураман. 1983 йили олим Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг 1200 йиллиги нишонланиши муносабати билан устоз Ҳамидулла Ҳасанов билан ҳаммуаллифликда «Ал-Хоразмий географияси» номли рисолини нашр эттирдик.

Шу уринда таъкидлаш жоизки, дорилфунунда олган билимларим ва фидойи устозларимнинг ғамхўрлиги туфайли бир қанча китоблар ёзиб, чоп этишга муваффақ бўлдим. «Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида» (1983), «Наврўз тарихидан лавҳалар» (1990), «Ғиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси» (1991), «Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си» (форс тилидан ўзбекчага таржима, 1994), «Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё» (1997), «Ал-Фарғоний ва унинг илмий мероси» (4 тилда — ўзбек, рус, инглиз, араб, 1998), «Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди» (1999), «Чағониён тарихи» (2002), «Тарихий манбашунослик муаммолари», «Манбаларда Шаҳрисабз тавсифи» (2004) ана шулар жумласидандир.

Юқорида ёзилганлар бевосита менинг илмий фаолиятим натижаси бўлиши билан бир қаторда, Ўзбекистон Миллий университети тарихининг ҳам бир қирраси саналади. Унда университет республика таълим соҳасида ва шу билан бирга илм-фан ривожини йўлида салоҳиятли даргоҳ экани яққол намоён бўлади.